

# **БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ**

**Жабборова О.М.**

**Ташпулатова Д.**

**Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти**

**Аннотация:** мазкур мақолада ҳозирги замон бошлангич синф ўқитувчиларининг малака талаблари ва уларни шакллантиришининг методик асослари тўғрисида фикр юритилган.

**Калим сўзлар:** малака, бошлангич, таълим, лаёқат, тарбия, билим, кўникма, компетенция.

## **SKILLS REQUIREMENTS FOR PRIMARY SCHOOL TEACHERS**

**Jabborova O.M.**

**Tashpulatova D.**

**Chirchik State Pedagogical Institute**

**Republic of Uzbekistan**

**Abstract:** This article discusses the qualification requirements of modern primary school teachers and the methodological basis for their formation.

**Keywords:** qualification, beginner, education, ability, upbringing, knowledge, skill, competence.

Ўзбекистоннинг янги тараққиётини барпо этиш жараёнида бошлангич таълимни ривожлантириш ва унинг воситасида ўқувчиларни ҳар томонлама баркамол вояга етказиш вазифалари долзарб бўлиб турибди. Бунда асосий вазифа бошлангич синф ўқитувчилари зиммасига тушади. Шу сабабли кейинги вақтларда бошлангич синф ўқитувчиларининг *малака талаблари* ва уларни шакллантиришининг методик асослари тўғрисида янгича вазифалар қўйилмоқда [1].

Бугунги кунга қадар амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги 25-сонли Қарори билан тасдиқланган “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини

оширишга қўйиладиган Давлат талаблари”да бошланғич синф ўқитувчиларининг малака талаблари белгиланган. Унга кўра, бошланғич синф ўқитувчиси аввало олий маълумотли бўлиши керак [2]. Бу ўринда “олий маълумотли бўлиш” тушунчасини бошланғич таълим асослари ва бошланғич синфларда ўқитиладиган фанлар бўйича касбий-назарий билим, кўнишка, малака ҳамда компетенцияга эга бўлишликни тушуниш лозим.

Мазкур Давлат талабларида бошланғич синф ўқитувчилари учун малака талаблари қуидагича белгиланган:

- 1) ўқитиш (дарс бериш) маҳорати;
- 2) тарбиялаш маҳорати;
- 3) ўқув-тарбия жараёнида гуманитар омилни белгилайдиган шахсий сифатлар;
- 4) бошланғич синф ўқувчиларининг билимларини холисона назорат қилиш ва баҳолаш маҳорати.

Бу ўринда *ўқитиш (дарс бериш) маҳорати* бўйича қуидаги талаблар белгиланганлигини эслатиб ўтиш жоиз:

- касбий лаёқат ва эрудиция (ҳис-туйғуга) эга бўлиш;
- психолого-педагогик тайёргарликка эга бўлиш;
- бошланғич синф ўқувчиларини мустақил фикрлашга ва янги илмлар олишга ўргатиш маҳоратига эга бўлиш;
- ўқув адабиётлари шакллари ва турларини билиш;
- янги педагогик ва ахборот технологияларини эгаллаш, Интернет глобал тармоғи билан ишлаш кўниmmasига эга бўлиш;
- малака ошириш шаклларини билиш;
- илмий-педагогик ижодиёт методологиясини билиш;
- педагогик фанларнинг асосий йўналишларини билиш;
- предметлараро алоқалардан фойдаланиш маҳоратига эга бўлиш;
- нотиқлик санъати асосларини билиш;
- бола хукуқлари ва таълимга оид хужжатларни билиш.

Мазкур талаблар бошланғич синф ўқитувчисининг амалий фаолияти давомида шаклланиб боради ва улар давомли малака ошириш воситасида такомиллаштирилади.

Давлат талабларида *тарбиялаши маҳорати* бўйича бошланғич синф ўқитувчилари учун қуидаги малака талаблари қўйилган:

- тарбиялашнинг методикасини билиш;
- тарбиянинг педагогик ва психологик асосларини билиш;
- тарбиялаш жараёнида этика ва эстетика қоидаларига амал қилиш;

- бошланғич синф ўқучиларининг ҳар бирини teng ва ҳуқуқий асосда табиялаш.

Бу талаблар бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари томонидан олий педагогик таълим жараёнида ўзлаштирилади ва амалий фаолият жараёнида тажриба сифатида ривожлантириб борилади.

Мазкур Давлат талабларида бошланғич синф ўқитувчилари учун қуидаги *шахсий сифатларга* эга бўлиш белгиланган:

- талабчан бўлиш;
- ҳаққоний бўлиш;
- ҳалолликка амал қилиш;
- меҳрибон бўлиш;
- ҳушмуомала бўлиш.

Эътибор берилса, бу талаблар ҳар бир инсоннинг шахсида мавжуд ва бошланғич синф ўқитувчиси амалий фаолияти давомида уларга бирламчи тарзда амал қилиши тақозо этилади.

Давлат талабларида бошланғич синф ўқитувчилари учун ўқувчиларнинг билимларини *холисона назорат қилиши ва баҳолаши* бўйича қуидаги малака талаблари қўйилган:

- дарс беришда психологик-педагогик қоидаларга қатъий амал қилиш;
- бошланғич синф ўқувчиларининг тарбияланиш жараёнини кузатиб бориш;

- ўқувчиларнинг билимлари ва кўникмаларини ҳолисона баҳолаш;
- баҳолашда тавсия этиладиган методлар ва механизмларга амал қилиш;
- мустақил равишда стандартлаштирилган тестларни ишлаб чиқиш;
- ўқувчиларнинг билими ва тарбиявий ривожланишини мунтазам назорат қилиб бориш.

Бу талаблар бошланғич синф ўқитувчиларининг амалий фаолиятидаги асосий вазифалардан ҳисобланади. Шу сабабли уларга амал қилишда педагогик жамоа билан ҳамкорлик қилиш тавсия этилади.

Эътибор берилса, бошланғич синф ўқитувчилари учун муҳим малака талаблари белгиланган. Мазкур талаблар амалий фаолият давомида шакллантириб борилади ва қайта тайёрлаш, малака ошириш ҳамда муддатли ўқишлиар давомида улар ривожлантирилади.

Мактаб педагогик жамоаси бошланғич синф ўқитувчисининг малака талабларига жавоб бериши ва амал қилиши тўғрисида хуоса бериш ҳуқуқига эга. Шу жиҳатдан мазкур талабларнинг аҳамияти муҳим ҳисобланади.

Хуоса қилиб айтганда, бошланғич синф ўқитувчилари учун кўйилаётган малака талаблари уларнинг амалий фаолиятида сифат ва самарадорликка эришиш учун асосий таълимий ҳужжат ҳисобланади. Шу сабабли ҳар бир бошланғич синф ўқитувчисининг мазкур талабларга жавоб бериши ва уларга риоя қилиши мактаб педагогик жамоасининг вазифаларидан бири сифатида белгиланган.

### **АДАБИЁТЛАР:**

1. Jabborova Onakhon Mannapovna. (2019). Psycholocial and pedagogical foundations of the formation of the artistic perception of students in secondary schools. European journal of research and reflection in educational sciences, 7(10), 9-14.

2. Jabborova Onakhon Mannapovna, Ismoilova Dilafroz Mukhiddinovna. (2020, may). Optimisation of primary education. ACADEMICIA: An international multidisciplinary research journal, 10(5), 1229-1232.

3. Mardonov Sh.K., Jabbarova O.M.. Objectives of the lessons of visual arts in primary school. Academic research in educational sciences, Issue 3, 2020, pp 862-870.

4. Jabborova Onakhon Mannapovna, Jumanova Fotima Uralovna, Mahkamova Shohida Rahmatullayevna. (2020). Formation of artistic perception of future teachers. International journal of pssycological and rehabilitation, 24(4), 4087-4095.

5. Mamadaliyev K.R., Jabborova O.M., Umarova Z.A., Abdullaeva B.P. Creation of a New Generation of Teaching Literature - A Requirement of Modernity // SCOPUS *International Journal Of Psychosocial Rehabilitation*, Vol. 24, Special Issue 1, 2020.

6. Жабборова Онахон Маннаповна, Ташпулатова Диором Мукимовна, Бошлангич синф ўқитувчилариға қўйиладиган талаблар. Academic research in educational sciences, Issue 3, 2021, pp 575-582

7. Gulyamova X. Boshlang'ich sinflarda o'qish darsidan umumlashtiruvchi darslarni tashkil etish. Academic research in educational sciences, Volume 2, Issue 1, 2021, pp 1052-1060

8. Жабборова О.М., Умарова З.А. Тарбия фанини кластер усулида ўқитишда педагогик конфликтларни бартараф этиш. Academic research in educational sciences, Issue 1, 2021, pp 582-587.

9. Жабборова О.М., Чимпулатова Ч.Д. Бошлангич таълимда Тарбия фанининг кластер усулида ўқитилиши. Academic research in educational sciences, Issue 1, 2021, pp 562-566.